

**Бувайда туманида 2024-йил якунлари бўйича ва 2025-йилда амалга  
оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан  
МАЪЛУМОТ**

**Биринчидан**, жорий йилда ҳам кенг кўламли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқганмиз.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мақсадида қиймати **261,3** млн. доллар **15** та лойиҳалар пакетини шакллантирганмиз.

Шундан, жорий 2025 йилда қиймати **153,1** млн. доллар **15** та лойиҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда **1 285** та янги иш ўрни ташкил этилади.

**Иккинчидан**, Энг асосий вазифамиз аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш ҳисобланади. Кун кеча Давлатимиз раҳбари томонидан **“2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш”** бўйича жуда катта қарор қабул қилинди. (17.01.2025 йил ПҚ-12-сон). Унга кўра, **28 минг 908 нафар** аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича соҳалар, йўналишлар ва ойлар кесимида режалар белгиланди;

**Жумладан:**

Инвестиция лойиҳаларида – **1 285 нафар**;

Хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликда – **8 749 нафар**;

Қишлоқ хўжалигида – **17 905 нафар**;

Қурилишда - **969 нафар**.

тижорат банклари томонидан **7 300** нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилади ва **12 400** нафар аҳоли тадбиркорликка жалб қилинади.

Шунингдек, **1 054 нафар** аҳолини касбга ва тадбиркорликка ўқитиш;

- **2 124 та** оилани қабағалликдан чиқариш;

Хусусан, январ ойида **863 нафар** аҳоли доимий ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб қилиш режаси белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 24-январ ҳолатига **1 299** нафар аҳоли доимий ишларга жойлаштирилди ва тадбиркорликка жалб қилинди. (режа 151 % га бажарилди)

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида 2024-йил 12-август кун кўтказилган видеоселекторда аҳолини банд қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни янги тизими - Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Ёйдувон тажрибалари кўрсатиб ўтилди.

Шунга кўра, **4 та тажриба** бўйича **7 265 нафар** аҳолини банд қилиш **2 200 та** микролойиҳа, Уйчи тажрибаси бўйича **72 та** учрашув ўтказиш, Зарбдор тажрибаси бўйича **5 та** ва Ёйдувон тажрибасида **20 та** лойиҳаларни амалга оширишни режа қилиб олганмиз.

Ушбу лойиҳаларни белгиланган муддатда ишга тушуриш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиб, тасдиқладик. Тармоқ жадвалларида белгиланган муддатларида бажариш чораларини кўрамиз.

**Тўртинчидан**, туманда 2025-йилда маҳаллий лойиҳалар Дастурига **3 трлн. 521,7** млрд.сўмлик **2699 та** (499 та макро ва 2200 та микро) лойиҳалар киритилиб, **15 126 та** иш ўрнилари яратилиши кўзда тутилган.

**Шундан:**

Саноатда қиймати **1 987,1** млрд.сўмлик **1 013 та** лойиҳалар **9 585 та** иш

ўрни;

Хизмат кўрсатишда қиймати **792,0** млрд.сўмлик **948** та лойиҳалар **3 658** та иш ўрни;

Шундан, жорий йил **1-чорагида** қиймати **75,9** млрд.сўм бўлган **63** та лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **540** та янги иш ўринлари яратилади.

Жумладан,

Саноатда қиймати **19,9** млрд.сўмлик **11** та лойиҳалар **172** та иш ўрни;

Хизмат кўрсатишда қиймати **56,0** млрд.сўмлик **52** та лойиҳалар **368** та иш ўрни;

Бундан ташқари, 1-чорак якуни билан 55 та маҳаллаларда **550** та микро лойиҳалар ишга тушурилади бу орқали **1140 нафар** бандлиги таъминланади.

Шундан, январ ойи режаси **110** та микролойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, январ ойи якунига қадар **100 фоиз** ишга тушурилади.

**Бешинчидан**, аҳолига ажратилган **1 608 гектар** ерлардан самарали фойдаланиш схемаси бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев томонидан жорий йилнинг 3-январ куни ўтказилган семинар йиғилишда берилган топшириқларга асосан, тумандаги секторларда алоҳида-алоҳида катта ва кичик ишчи гуруҳлар ва деҳқон хўжаликлари эгалари билан контурма-контур учрашувлар ўтказиш бўйича режа-график тасдиқланди.

Бу бўйича ҳар бир контурда сектор раҳбарлари ва деҳқон хўжаликлари эгалари иштирокида ҳамда лидер тадбиркорлар иштирокида ажратилган ерларнинг ўзида учрашувлар ўтказилди.

Маҳаллалар кесимида размешиние (*экинлар жойлаштируви*) ишлаб чиқилиб, маҳалла кенгаши қарори билан тасдиқланди. Сектор раҳбарларига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Жорий йил **1-февралига** қадар ҳар бир ижарачи билан уруғ ва кўчатлар таъминоти билан келишиб олинади. Бунда, уруғлик кўчатлар ва минерал ўғитлар сотиб олиш учун кредит ажратиш масалаларини ҳал қилиб олинади.

Ушбу вазифаларни бажариш учун бандлик бўлимида штаб ташкил қилиниб кунлик сўров қилинмоқда.

**Макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича**, 2024 йилда қуйидаги натижаларга эришдик:

Жумладан, саноат маҳсулотлари ҳажмини **813,8** млрд. сўмга (104,4 %), хизмат кўрсатишни **1 264,4** млрд.сўмга (114,9 %), қишлоқ хўжалигини **2 478,0** млрд.сўмга (103,1 %), пудрат ишлари **349,4** млрд. сўмга (106,1%), экспорт **23,3** млн.доллар (145 %) ни ташкил этди.

**Жорий йилда** кўрсаткичларимизни ўсиш суратларини кескин оширамиз, саноат маҳсулотлари ишлар чиқариш ҳажмини **985,9** млрд. сўмга (107,4 %), хизмат кўрсатишни **1 674,2** млрд.сўмга (115,6 %), қишлоқ хўжалигини **2 896,9** млрд.сўмга (104,6 %), қурилиш ишлари **458,4** млрд. сўмга (113,6 %) га етказилади.

Жумладан, 1-чорак бўйича,

Саноат маҳсулотлари ишлар чиқариш ҳажмини **206,7** млрд. сўмга (106,2 %), хизмат кўрсатишни **369,7** млрд.сўмга (111,8 %), қишлоқ хўжалигини **260,4** млрд.сўмга (104,1 %), қурилиш ишлари **97,6** млрд. сўмга (112,2 %) ни ташкил қилади.

Маҳаллий бюджет даромадлари бўйича жорий йил учун **156,8** млрд.сўм режа белгиланган, шундан январь ойи учун маҳаллий бюджет даромадларига **10,5** млрд.сўм белгиланган прогноз, амалда **10,6** млрд.сўмга ёки **101** фоизга бажарилди.

Маҳалла солиқчилари учун январ ойига **2,1** млрд.сўм назорат режаси белгиланган бўлиб, ижроси бугунги кун ҳолатига **1,2** млрд.сўмни ташкил этмоқда.

Юқоридаги режани бажарилмай қолган қисми бўйича, маҳаллалар кесимида таҳлил қилиб олдик, бунда маҳаллий ер ва мол-мулк солиқларини январ ойи режасини бажариш бўйича **53** та маҳаллалар бўйича алоҳида иш ташкил қилинади.

**2025 йил 1 январ** ҳолатига туманда **2 875** та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган. 2024-йил давомида **257** та янги субъектлар ташкил этилган.

Жорий йил якуни билан ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла солиқлари билан ҳамкорликда **320** та янги кичик бизнес субъектлари ва **490** та янги якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланади.

**5** тадан бириктирилган камбағал оилалар бўйича, **315** та камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларга **63** нафар (*вилоят бўйича 6 нафар, туман бўйича 57 нафар*) раҳбар ходимлар бириктирилган.

**315** та оилаларнинг ҳар бири бўйича “камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа” ишлаб чиқилди ва **онлине.маҳалла** электрон дастурига киритилган.